

Ҳимоя бош кийимлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 650610 остидаги **ҳимоя бош кийимлари** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2024 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Ҳимоя бош кийимининг импорт ва экспорт ҳолати.

2024 йилда **289 та** корхона томонидан **22 та** давлатдан қиймати **759 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **434 минг дона** ҳимоя бош кийимлари **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **53 фоизи** – **Россия, 43 фоизи** – **Хитой, 4 фоизи** эса бошқа **20 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **58 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган ҳимоя бош кийимлари **ўртача нархи 1 дона**си учун **1,8 долларга** тўғри келган. 2024 йилда республикадан ҳимоя бош кийимларининг экспорти амалга оширилмаган.

II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида ҳимоя бош кийимлари ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси)** орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда **16 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳимоя бош кийимлари ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** ҳисобланганда, индекс натижаси **6 318 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси)** бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, **ННІ** кўрсаткич **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.*

Шунингдек, ички бозорда ҳимоя бош кийимлари ишлаб чиқариш бозорининг **CR 2** кўрсаткичи **89** **фоиз**га тенг бўлган.

CR 2 кўрсаткичи - бозордаги энг йирик **2 та** корхонанинг бозор улушлари йиғиндисига тенг.

III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2024 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 650610 остидаги ҳимоя бош кийимларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2024 йил давомида мамлакатимизда қиймати 5,1 млрд сўмлик **41,2 минг дон**а ҳимоя бош кийимлари ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида ҳимоя бош кийимларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2024 йилда **8,7** **фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

Республикада ишлаб чиқарилган ҳимоя бош кийимларининг ўртача нархи **1 дон**аси учун ўртача **10,7 доллар**га тўғри келган.

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 650610 остидаги ҳимоя бош кийимлари бозорининг тўйинганлик даражаси **8,7** **фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ** ҳисобланади.